

# “Биринчи резинотехника заводи” МЧЖда “Кўкаlamзорлаштириш ойлиги”нинг илк тадбири ташкил этилди

// 02.03.2020

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/brz-environment>



“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан тизимидағи корхона ва ташкилотлар ҳамда уларга туташ ҳудудларда “Атроф-муҳит ҳимоясига барчамиз маъсулмиз!” шиори остида кўкаlamзорлаштириш лойиҳасини юқори савияда ўтказиш мақсадида жорий йилнинг март ойи “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимида “Кўкаlamзорлаштириш ойлиги” деб эълон қилинди.

Лойиҳа доирасида “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидағи тармоқ корхона ва ташкилотлар томонидан дараҳт ва манзарали кўчатлар экиш белгиланган. Кўчат экиш тадбирларидан бири жорий йилнинг 1 март куни Тошкент вилоятнинг Ангрен шаҳрида жойлашган “Биринчи резинотехника заводи” МЧЖда ўтказилди.

Тадбирда “Ўзкимёсаноат” АЖ Бошқарув раиси ўринбосари Е.Коржиков, корхоналар тизимида фаолият юритаётган ёшлар, маъсул ходимлар ҳамда оммавий ахборот воситаси вакиллари иштирок этди.

“Биринчи резинотехника” МЧЖ томонидан 1000 дона дараҳт ва 300 дона манзарали кўчатлар экилди.

Кўламзорлаштириш тадбири байрам дастурига уланиб кетди. Корхона меҳнат қилаётган барча ходимлар бир дастурхон атрофида жам бўлишиди. Ўз меҳнатлари натижасида бунёд бўлган боғ, кейинги баҳор айёмларида ўз маҳсулини бериб, ишчи-ходимларнинг севимли дам олиш масканига айланади.

“Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан атроф-муҳит ҳимоячиси бўлган яшил худудларни янада кенгайтиришга қаратилган март ойи давомида ўтказиладиган “Атроф-муҳит ҳимоясига барчамиз масъулмиз!” шиори остида кўкаламзорлаштириш лойиҳаси доирасида ташкилот тизимидағи корхоналар томонидан 60 мингдан ортиқ дараҳтлар ва 80 мингдан ортиқ манзарали кўчатлар ҳамда гуллар экилиши режалаштирилган.

Лойиҳа “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти таркибидаги 16 та йирик ва ўрта кимёвий корхоналари томонидан март ойи давомида ўтказилади.

#### **“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати**